

# **ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 1**

**«25» май 2022 й.**

**Муборак шахри**

**“ШОХСУВОР” МЧЖ** (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда ”Пудратчи” деб юритилади, узининг **Низоми** (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи бошлиги Р.Суюнов (вазифаси, фамилияси, исми) бир томондан, **“Муборак Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми”** (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг **Низоми** (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи раҳбари Н.Э.Юсупов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар ҳақида туздилар.

## **1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

**1.1.** Пудратчи ушбу шартномада белгиланган муддатда Буюртмачининг топшириги билан Муборак туман Қурувчилар махалласида жойлашган “Муборак Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми” 2-этап укув булими ва ошхонасини иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. «Буюртмачи» эса “Пудратчи”га ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, бажарилган ишларни натижасини қабул қилиш ва келишилган хақни тўлаш мажбуриятини олади.

## **2. ШАРТНОМА БҮЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР**

2.1. Буюртмачи томонидан тақдим килинган хужжатларга асосан “Муборак Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми” 2-этап укув булими ва ошхонасини иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишларининг яъни шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан 52 144 000 ( Эллик икки миллион бир юз кирк тўрт минг) сумни ташкил қиласди.

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши «25» май 2022 йил.

2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти «31» декабрь 2022 йил.

## **3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БҮЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР**

**3.1.** Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. Шартномадаги курсатилган авансни «Пудратчи» олгандан таъмирлаш ишларини бошлайди.

3.3. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган қурилиш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.4. Таъмирлаш тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.5. Таъмирлаш тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сунг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб хисобланади.

## **4. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ КИТОБЛАР**

**4.1.** Ушбу шартноманинг умумий 52 144 000 ( Эллик икки миллион бир юз кирк тўрт минг сўмни ташкил қиласди. Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома суммасининг 30 % ёки 15 643 200 (Ун беш миллион олти юз кирк уч минг икки юз ) сумм микдорда олдиндан тулайди. Колган 70 % ёки 36 500 800( Уттиз олти миллион беш юз минг саккиз юз) сум яъни якуний толовни «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тадиковчи хужжат ф-2, ф-3, ёки далолатнома тақдим қилингандан сунг амалга оширади.

4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3. «Пудрат» ташкilotи томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

## **5. ПУДРАТЧИНинг МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Шартнома суммаси 52 144 000 (Эллик икки миллион бир юз кирк турт минг) сўм бўлган Муборак Абу Али ибн Сино Номидаги Жамоат саломатлиги техникумини ўқув биноси ва ёткхонасини иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини келишилган муддатда тугатиш.

5.2. Агар бажариладиган ишлар мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у холда буюртмачига куйидаги тартибда жарима тўлайди:

- курилиш муддати 30 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0,1 % микдорида;

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофик бажарилган ишлар тугрисида 2-сонли далолатномани буюртмачи билан бирга тузади..

## **6. БУЮРТМАЧИНинг МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1. Шартномада кўрсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» хар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нархини 0,1 % микдорида «Пудратчига» жарима тўлайди.

6.2. «Буюртмачи» курилиш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул килиб олади.

6.3. “Буюртмачи” тасдиқланган сметасига мувофик бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофик форма 2-3 ва далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади

## **7. КАФОЛАТЛАР**

«Пудратчи»:

7.1. Барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

Лойиха хужжатларига хамда қурилиш меъерлари, қоидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

Ўзи томонидан таъмирлаш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;

Ишларни қабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф килишни;

Объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

7.2. Агар обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар «Пудратчи» томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг икки томонлами далолатномасида кайд этилади.

## **8. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ**

8.1. Ушбу шартнома бўйича юзага келадиган баҳс ва мунозаралар томонлар ўртасида келишув йўли билан, ёки томонлар ўзаро келиша олмаган холларда эса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофик суд тартибида ҳал этилади.

## **9. ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

9.1 Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси бюджет кодексининг 122-моддаси 3-бандига мувофик тегишли тартибда Газначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин қонуний кучга киради. Шартноманинг амал қилиш муддати «31» декабрь 2022 йилгача.

## 10. ФОРС МОЖОР

10.1 Айтиб бўлмайдиган, яъни фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий оғатлар форс-мажор) туфайли тарафларда бир шартномани бажармаган ёки лозим даржада бажарилмаганлиги исботланса, жавобгар бўлмайди.

## 11. БОШҚА ХОЛАТЛАР.

11.1. Томонлар шартнома мажбуриятлари юзасидан ўзаро ҳамкорлик қилиб турадилар.

## 12. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

«ПУДРАТЧИ»  
“ШОХСУВОР” МЧЖ  
(ижрочининг номи)

Манзил: Муборак тумани.

тел\факс 91-597-49-44.

Х\р - 20208000904161645001

Банк номи: Уз Саноат курилиш банк  
Муборак филиали

МФО: 00186 ИНН: 203848313

ОКОНХ: \_\_\_\_\_

Рахбар: М.Р. Суюнов

(Ф.И.Ш.)

“SHOXSUVOR”

M. Ch. J.

(ИМЗО)

М. Ў.

«БУЮРТМАЧИ»

Муборак Абу Али ибн Сино Номидаги  
Жамоат саломатлиги техникими Муборак  
туман (ижрочининг номи)

Манзил: Муборак тумани.

тел\факс \_\_\_\_\_

шхр - 400910860102347092902054001

Банк номи: Тошкент Марказий Банк  
ИНН: 200699271

ОКОНХ: 92120

Ўз.Рес.Молия Вазирлиги Газначилиги

Х\в-23402000300100001010

МФО: 00014

Газначилик бўлинмаси СТИР и 201122919

Рахбар: Р. З. Юсупов

(Ф.И.Ш.)

(ИМЗО)

М. Ў.

Шартнома лойихасини конун доирасида тузилган деб хисоблайман ва томонларга уни имзолашни тавсия этаман. (Гувохнома (лицензия) № \_\_\_\_\_ « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ йил)

**ЮРИСТ:** \_\_\_\_\_

Юрист виза қўйган сана « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ йил

**Эслатма:-**Хукукшунос ёки жалб килинган адвакат шартномани кўриб чиқаётганданда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 24.08.2007 йилдаги №182 сонли «давлат ва хўжалик бошқарув органлари, махаллий давлат хокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини хуқукий таъминлаш даражасини янада ошириш чора тадбирлари тўғрисида» ги карорига эътиборини каратсин.

“Шохсувор” М.Ч.Ж. ва Муборак Абу Али иби Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми ўртасида 2022 йил 25-май куни тузилиши режалаштирилаётган № 1-сонли шартнома юзасидан

Хукукшунос худосаси

25.05.2022 йил

Карши шахри.

Мен, хукукшунос Оринов Шухрат Шарипович (Кашкаларё вилояти Адлия бошкармаси томонидан 2019 йилда берилган ИОК № 003558-сонли гувоҳнома) мазкур шартнома лойихаси билан танишиб чиқиб, ҳакикатдан “Буюртмачи” Муборак Абу Али иби Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми ва пудратчи “Шохсувор” М.Ч.Ж. ўртасида тузилган 52144000 (Элликикки миллион бирюзкиркурт минг) ўсумлик курилиш ишларини бажариб бериш бўйича 2022 йил 25-май куни тузилиши режалаштирилаётган № 1-сонли шартномасини хукукий экспертизадан ўтказдим.

Мен, ушбу шартнома лойихасини амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 20-21 моддалари ва бошка қонун хужжатларига асосландим.

Экспертиза давомида шартнома лойихасининг амалдаги қонун коидаларига, расмийлаштирилишининг хукукий нормаларига тўғри келиши ва шартнома тузувчи томонларининг ушбу шартномани тузишга бўлган хак-хукукларини ўрганиб чиқдим.

Хукукий экспертиза давомида ушбу шартнома тузилишида фойдаланиш учун таалукли бўлган Ўзбекистон Республикаси худудидаги амалдаги барча хукукий хужжатлар ва меъёрий далолатномалар (киритилган ўзгартиришларни хисобга олган холда) ўрганиб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси худудидаги амалдаги қонун-коидаларга таяниб кўйидагиларни худоса қиласман:

1.Шартнома Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 353,354,356,357-моддалари талабларига жавоб беради.

2. “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” юридик шахс хисобланиб, Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ташкил килинган.

3. “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” қонун доирасида ва ташкил этилган расмий хужжатлар “Бўйрук. Низом...” асосига кура, шартнома тузишга хукукли.

4. “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” шартномада белгиланган ишларни бажариш учун хукукий асосга эга.

5.Шартномани имзолаш учун исми, шарифи келтирилган шахслар, ушбу шартномани имзолаш хукукига эга.

6.Шартномани тузиш вактида ушбу шартнома шартларини бажарилишига тўскинилик қилувчи хужжатлар ёки давлат назорат, хукук тартибот органлари томонидан тақдимномалар мөвжудлиги аниқланмади.

7.Шартнома талабларида томонларининг хукукий жавобгарликлари амалдаги қонун-коидалар талабларига жавоб беради.

Худоса: “Шохсувор” М.Ч.Ж. ва Муборак Абу Али иби Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми ўртасида 2022 йил 25-май куни тузилиши режалаштирилаётган № 1-сонли пудрат шартномасини томонлар тузиш ва имзолашлари мумкин.

Хукукшунос

Ш.Оринов

**“ТАСДИКЛАЙМАН”**

Муборак Абу Али Ибн Сино  
номидаги жамоат саломатлиги  
техникуми директори  
Н.Э.Юсупов



25.05.2022 йил

№ 8

Муборак шаҳри

**“Муборак Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми”нинг 2-этап укув булими ва ошхонасини иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун шартнома тузиб тамирлаш ишларини бажаришни ташкил килиш комиссиясининг**

**ТАНЛОВ БАЁНИ**

Комиссия раиси  
АЪЗОЛАРИ;  
С.Арслонов  
Х.Алимова  
Ф.Жовлиев  
К.Худойбердиев  
Б.Гулназаров

Н.Э.Юсупов  
Хужалик мудири  
Бош хисобчи  
КУК раиси  
Директор уринбосари  
Котиб

Кун тартибида куриладиган масала;

**“Муборак Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми”нинг 2-этап укув булими ва ошхонасини иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини 2022 йилда энг яхши танлов голиби деб топилган укув булими ва ошхонасини иситиш тизимини жорий таъмирлаш учун 2022 йил май ойида “ШОХСУВОР” МЧЖ билан шартнома килиш ва шартномани тасдиклаш тутгрисида.**

Комисия танлов конкурсга катнашган вакилларнинг таклифларини куриб чикиб Муборак Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми”нинг 2-этап укув булими ва ошхонасини иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини 2022 йилда энг яхши танлов голиби деб топилган укув булими ва ошхонасини иситиш тизимини жорий таъмирлаш 4 та хусусий корхона катнашаётгандиги элон килди. Улар куйидагича ;

Танлов конкурс буйича 2022 йил 13 май кунида лот № 22110012086012  
Сонли протокол эълон куйилгандан кейин 4 та ташкилот узининг таклифлари билан катнашди ва энг юкори балл “ШОХСУВОР” МЧЖ олди ва 2 кун мухокамага куйилди хамда бошка эътиrozлар булмаганлиги сабабли “ШОХСУВОР” МЧЖ билан шартнома тузилди.

**ТАНЛОВ КОМИССИЯ КАРОР КИЛАДИ:**

- 1 “ШОХСУВОР” МЧЖ голиб деб топилсин.
2. “ШОХСУВОР” МЧЖ томондан тавсия этилган таъмирлаш ишларига шартома тузиш хисобчи Х.Алимовага юклатилсин.
3. Ушбу баённома карорини бажарилишини назорат килиш бошлиқ Н.Юсуповга юклатилсин.

Комиссия раиси  
АЪЗОЛАРИ;  
С.Арслонов  
Х.Алимова  
Ф.Жовлиев  
К.Худойбердиев  
Б.Гулназаров

Н.Э.Юсупов  
Хужалик мудири  
Бош хисобчи  
КУК раиси  
Директор уринбосари  
Котиб